

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА № 19**

“5” январь 2022 йил.

Когон тумани.

“Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Маҳсулот етказиб берувчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **И.И.Норов** бир томондан, **Бухоро вилоят Мактабгача таълим бошқармаси** (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ **М.С.Ражабов** иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотлари тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма		
Автобензин АИ-91			3750 000		3750 000								
<b>ЖАМИ:</b>			3750 000		3750 000								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 3 750 000 (уч миллион етти юз эллик миң) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади.

**2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.**

2.1. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда “Етказиб берувчи” га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Ҳавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

**2.4.** Нефт маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқа шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёки тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

**2.5.** Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

**2.6.** Маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи “Маҳсулот етказиб берувчи” шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан “Истеъмолчи”га ўтади.

**2.7.** Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

**2.8.** Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (“Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

**2.9.** “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**2.10.** “Истеъмолчи” томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

### **3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ.**

**3.1.** Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

**3.2.** “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партиyasi учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб–рақамига ҳақ тўлайди.

**3.3.** “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

**3.4.** Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Маҳсулот етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

### **4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

**4.1.** Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қўйидагича амалга оширилади:

а) “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт базасидан “Истеъмолчи” вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) “Истеъмолчи” транзит оркали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи “Махсулот етказиб берувчи” корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи” га ўтади.

4.3. Нефт махсулотларини миқдор ва сифати бўйича “Истеъмолчи”, “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

## 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. “Истеъмолчи” нефт махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефт махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. “Махсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хар икки томон нефтмахсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть махсулотлари етказиб беришни “**Махсулот етказиб берувчи**” дан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть махсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;

в) сифатсиз Нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда “**Истеъмолчи**”:

- сифатли ана шундай турдаги нефть махсулотларини “**Махсулот етказиб берувчи**” ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

- нефть махсулотларининг сифатини “**Махсулот етказиб берувчи**” ҳисобидан тиклашни талаб қилиш;

- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда махсулотни қабул қилишни рад этиш;

г) “**Махсулот етказиб берувчи**”дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

6.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть махсулотлари учун “**Махсулот етказиб берувчи**”нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул қилиб олиш;

в) махсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

6.3. “**Махсулот етказиб берувчи**” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “**Махсулот етказиб берувчи**”га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва “**Махсулот етказиб берувчи**” олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

б) Ушбу шартномага асосан “**Истеъмолчи**”га етказиб берилган нефть махсулотларини қабул қилишдан асосиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланишини “**Истеъмолчи**”дан талаб қилиш;

6.4. “**Махсулот етказиб берувчи**” мажбуриятлари:

а) етказиб берилган нефть махсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

б) агар нефть махсулотларини етказиб бериш жараёнида “**Махсулот етказиб берувчи**” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда ўз ҳисобидан бартараф этиш;

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

7.2. “Истеъмолчи” нефть махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7.3. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга биноан қўлланилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР.

8.1. Хар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,  
- нефтни қайта ишлаш заводлари, “Ўзбекистон темир йуллари” ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

## 9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

9.1.

## 10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ.

10.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккала томон мустақил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида хал этилади.

10.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

10.5. Мазкур шартнома томонлар ушбу шартномадаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига қадар амал қилади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Маҳсулот етказиб берувчи”

“Истеъмолчи”

“Бухоро нефт базаси” МЧЖ

Манзил: Бухоро вилояти, Когон тумани,

Туткунда МФЙ

Х/р: 20210000904268620001

МФО: 01115 ИНН: 204587384

БАНК: ХАТВ “Orient Finans bank” Тошкент

ш, Шайхонтохур филиали

тел: 65-228-74-77, 65-228-72-10 (бух-я)

Бухоро вилоят Мактабгача таълим бошқармаси

Манзил: Бухоро шаҳар Боғи шамоқ кўчаси 5 уй

ИНН: 305155357 ОКЭД:

ШХВ: 100021860064017098602251001


Молия вазирлиги Ғазначилиги

ИНН: 201122919

Х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014

БАНК: Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲҚКМ

Директор:  И.И.Норов

Бошлик:  М.С.Ражабов.

ИСББ:  

Договор № 19

от «05» 01 2022

Хуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эмас.

Хуқуқшунос:  А.А.Исломов

Ш.И. Шодиев